
МАЗМУНЛИ ИЖОДИЙ САФАР

Қўштепа тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати томонидан пресс-тур ва матбуот анжуманига таклиф этилди.

Пресс тур шундоқ туманимиз чегарасидаги „ Grapes Gardens Investment“ акциядорлик жамиятига қарашли интенсив боғларда бўлди. Бизни туман ҳокими ўринбосари Дилшоджон Камолетдинов кутиб олди. Боғ эгалари жараёнлар билан таништирди.

„ Марказий Фарғона "чиларимиз--Раҳматилло Шодмонов ва Маҳмуджон Олимов бир гектардан шу боғдан олишни ниёт қилишди.

Гектари 280 миллион сўм экан. Банк 3 йиллик имтиёз билан 7 йил муддатга кредит бераркан. Ҳозир мазкур боғда етиштирилган ўрикнинг килосини 25 минг сўмдан сотишяпти.

Туман ҳокими Илёс Новиков иштирокидаги матбуот анжуманида қатнашдик. Ҳоким тумандаги интенсив боғлар, „ Яшил макон“ лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар берди. Саволларимизга жавоб қайтарди.

Қўштепага ижодий сафаримиз мазмунли ўтди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-05-24 17:11:21